Ишлаб чиқариш муҳити омилларининг зарарлилиги ва хавфлилиги, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тиғизлиги кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитларининг гигиеник таснифи
(0069-24-сон СанҚваН)га
18-ИЛОВА

**Меҳнат жараёнининг диққат талаблиги кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитлари синфлари**

| **Меҳнат жараёни тиғизлиги кўрсаткичлари** | **Меҳнат шароитлари синфлари** | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Мақбул (меҳнат зўриқувчанлигини енгил даражаси) — 1** | **Рухсат этилган (меҳнат зўриқувчанлигини ўртача даражаси) — 2** | **3-зўриқувчи меҳнат** | | |
| | | | **1 даража 3.1** | **2 даража 3.2** | **3 даража 3.3** |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1. Интеллектуал оғирлик: | | | | | |
| 1.1. Ишнинг мазмуни | ечим қабул қилишни зарурияти йўқ | инструкция бўйича оддий альтернатив масалаларни ҳал қилиш | эркин ритмдаги маълум алгоритмларни танлаб олиш бўйича (инструкция серияси бўйича иш) мукаммал масалаларни ҳал қилиш | вақт танқислиги шароитларида маълум алгоритмларни танлаб олиш бўйича (инструкция серияси бўйича иш) мукаммал масалаларни ҳал қилиш | |
| 1.2. Сигналларни (маълумотларни) қабул қилиш (идрок қилиш) ва уларни баҳолаш | сигналларни қабул қилиш, лекин ҳаракатларни коррекция қилиш талаб қилинмайди | сигналларни қабул қилиш билан бирга ҳаракатларни ва операцияларни коррекция қилиш | уларни номинал қиймати билан кўрсаткичларни ҳаққоний қийматларини таққослаш билан сигналларни қабул қилиш; кўрсаткичларни ҳаққоний қийматларини якуний баҳолаш | ўзаро боғлиқ бўлган кўрсаткичларни мажмуавий баҳолаш билан бирга сигналларни қабул қилиш; барча ишлаб чиқариш фаолиятини мажмуавий баҳолаш | |
| 1.3. Топшириқнинг мураккаблик даражаси | топшириқни қайта ишлаш ва бажариш | топшириқни қайта ишлаш, бажариш ва уни текшириб кўриш | топшириқни қайта ишлаш, текшириш ва бажарилишини назорат қилиш | назорат қилиш ва топшириқни бошқа шахсларга тақсимлаб бериш бўйича дастлабки иш | |
| 1.4. Бажараётган ишнинг характери | индивидуал режа бўйича иш | фаолияти давомида уни коррекция қилиш имконияти бўлган ўрнатилган график бўйича иш | вақт танқислиги шароитида ишлаш | вақти ва маълумотлар танқислиги шароитларида якуний натижа учун юқори масъулиятли иш | |
| 2. Сенсор оғирлик:<br>2.1. Эътиборни жамлаш давомийлиги (сменадаги вақтнинг фоизи) | 25 фоизгача | 26-50 фоиз | 51-65 фоиз | 66-75 фоиз | |
| 2.2. 1 соат иш вақтидаги сигналларнинг ва хабарларнинг зичлиги (ёруғлик, товушли) | 75 гача | 75-175 | 176-300 | 301-600 | |
| 2.3. Баравар кузатиб турадиган ишлаб чиқариш объектларнинг сони | 3 гача | 4-8 | 9-15 | >15 | |
| 2.4. Кўриш анализаторига тушадиган оғирлик | | | | | |
| 2.4.1. Фарқлаш объектининг фарқлаш ўлчами (ишлаётганнинг кўзларидан фарқлаш объектигача бўлган кўпи билан 0. 5 м масофадаги), мм кузатувга эътиборни жамланган ҳолдаги давомийлиги (сменадаги вақтнинг фоизи) | 5 мм — 100 фоиздан кўп | 5-1.1 мм<br>50 фоиздан кўп,<br>1-0.3 мм<br>50 фоизгача<br>25 фоизгача | 1-0.3 мм<br>50 фоиздан кўп,<br>0.3 мм дан кам<br>25-50 фоиз | 0.3 мм дан кам<br>51 фоиздан кўп | |
| 2.4.2. Оптик асбоблар билан ишлашда (микроскоплар, лупалар ва бошқалар) кузатувга эътиборни жамлаш давомийлиги (сменадаги вақтнинг фоизи) | 25 фоизгача | 26-50 фоиз | 51-75 фоиз | >75 фоиз | |
| 2.4.3. Видеотерминаллар экранлари орқали узлуксиз кузатиш (сменада, соат) | | 4* гача | 4.1-5 | 5.1-6 | >6 |
| 2.5 Эшитиш анализаторига оғирлик (ишлаб чиқариш зарурати туфайли сўзлашиш ёки фарқ қилинган (дифференциацияланган) сигналларни идрок этиш | | 100 фоиздан 91 фоизгача сўз ва сигналларнинг аниқлиги | 90 фоиздан 71 фоизгача сўз ва сигналларнинг аниқлиги | 70 фоиздан 51 фоизгача сўз ва сигналларнинг аниқлиги | |
| 2.6. Товушлагич аппаратига оғирлик (соатларнинг жамланган ҳолдаги миқдори, ҳафтадаги гапирганлик) | | 16 гача | 17-20 | 21-25 | |
| 3. Эмоционал оғирлик: | | | | | |
| 3. Масъулият даражаси; хатонинг муҳимлиги | масалани алоҳида элементларини бажариш учун жавобгар;<br>ходим томонидан ишида қўшимча саъй-ҳаракатларни келтириб чиқаради | қўшимча ишларни функционал сифати учун жавобгар (топшириқлар);<br>юқорида турувчи раҳбарият томонидан қўшимча саъй-ҳаракатларни келтириб чиқаради (бригадир, мастер ва бошқ.) | асосий ишларни функционал сифати учун жавобгар (топшириқлар);<br>қўшимча иш ҳисобига тўғирлаш заруратини келтириб чиқаради (топшириқлар);<br>барча коллективни қўшимча саъй-ҳаракатлари (гуруҳлар, бригадирлар ва бошқ..) | якуний (охирги) маҳсулотни функционал сифати учун жавобгар (топшириқлар);<br>жиҳозларни зарарланишини, технологик жараённи тўхтаб қолишини келтириб чиқаради ва ҳаёт учун хавф юзага келиши мумкин | |
| 3.2. Шахсий ҳаётга хавф-хатар даражаси | мавжуд эмас | | | бўлиши мумкин | |
| 3.3. Бошқа шахс ҳаёти учун хавфсизлик даражаси | мавжуд эмас | - | - | эҳтимол | |
| 4. Оғирликнинг бир хиллиги (монотонлиги): | | | | | |
| 4.1. Оддий топшириқлар ёки кўп маротаба қайтариладиган операцияларни бажарилишида зарур бўладиган элементлар сони | 10 дан кўп | 9-6 | 5-3 | 3 кам | |
| 4.2. Оддий ишлаб чиқариш топшириқларини ёки қайтариладиган операцияларни бажариш давомийлиги (секунд) | 101 дан кўп | 100-25 | 24-11 | 10 кам | |
| 4.3. Фаол ҳаракатлар вақти (смена давомийлигига нисбатан, фоиз). Қолган | 20 ва ундан кўп | 19-10 | 9-5 | 4 ва ундан кам | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| вақтда — ишлаб чиқариш жараёнини боришини кузатиш | | | | | |
| 4.4. Ишлаб чиқариш аҳволининг бир хиллиги (монотонлиги) (технологик жараённи суст кузатув вақти, смена вақтига нисбатан, фоиз) | 75 дан кам | 76-80 | 81-90 | 90 дан кўп | |
| 5. Иш режими: | | | | | |
| 5.1. Иш кунининг ҳақиқий давомийлиги, соат | 5-6 соат | 7-8 соат | 9-10 соат | 11-12 соат | |
| 5.2. Ишнинг сменалилиги | бир сменали иш (тунги сменасиз) | икки сменали иш (тунги сменасиз) | икки, уч сменали иш (тунги сменадаги иш) | тунги иш билан доимий бўлмаган сменали иш | |
| 5.3. Қатъий белгиланган танаффуслар ва уларнинг давомийлиги | етарлича бўлган давомийликда, танаффуслар регламентланган: 7 фоиз ва ундан кўп бўлган иш вақти | етарлича бўлмаган давомийликда, танаффуслар регламентланган: иш вақтини 3 дан 6.8 фоизгача | етарлича бўлмаган давомийликда, танаффуслар регламентланмаган: иш вақтини 2.8 фоизгача | танаффуслар мавжуд эмас | |

*Изоҳ: * — регламентланмаган танаффусларсиз видеотерминал экран ёнидаги иш 2 соатдан ошмаслиги керак. Смена давомида видеотерминал ёнидаги иш вақтининг умумий суммар давомийлиги 4 соатдан ошмаслиги керак.*